“АЛ-КИФОЯ ФИ ШАРҲИ-Л-ҲИДОЯ” АСАРИДА МАСАЛАЛАРНИНГ БАЁН ҚИЛИНИШ УСЛУБИ

Илҳомжон Муроталиевич Ғофуров
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти
Тошкент ислом институти ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Жалолиддин Хоразмийнинг қаламига мансуб “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асари ҳақида сўз боради. Бу асар имом Марғинонийнинг “Ҳидоя” китобига ёзилган шарҳлардан бири бўлиб, муаллиф унда масалаларни турли услублар орқали очиб бергани мисоллар ёрдамида изоҳлаб ўтилган. Жумладан, никоҳ тушунчаси, ундан кўзланган мақсад, никоҳнинг нафл ибодатлардан афзал экани, бу борада мазҳаблар орасидаги ихтилофар ва бундан бошқа масалалар атрофлича баён қилинган.

Калит сўзлар: мазҳаб, никоҳ, ийжоб-қабул, нафл ибодат, узлат, ҳукм, мулкият, ҳаж, вожиб, суннат.

Жалолиддин Хоразмий (ваф. 767/1366 й.) “Ҳидоя” асарида келтирилган ҳар бир китоб ёки ҳар бир боб ёхуд фаслларга алоҳида муқаддималар тузиб, айрим ҳолатларда уларнинг луғавий ва истилоҳий таърифларини баён этиш билан кифояланса, гоҳида мавзудан кўзланган мақсад, унинг шарт ва рукнларини жорий қилиниш сабалари ва бундан бошқа жиҳатларга тўлиқ тўхталиб ўтади. Луғавий ва истилоҳий маъноларига тўхталиб сўнгра матнни шарҳлашга ўтганига “Ҳаж” китобини мисол қилиб келтириш мумкин. Унда олим: “Ҳаж луғатда – “қасд қилиш” маъносини билдирса, истилоҳда – махсус вақтда махсус маконга махсус қасд қилишни англатади”,[35] деб, ундан сўнг “ал-Ҳидоя” асарини шарҳлашга ўтиб кетаверган.

Никоҳ китобида эса унинг луғавий ва истилоҳий маъносидан ташқари унинг рукнлари, ҳукми, ундан кўзланган мақсад, никоҳ узлатдан афзал экани ва бу борадаги ихтилофлар, никоҳга тарғиб қилувчи ҳадислар ва шу каби мавзуга алоқадор маълумотларни мукаммал келтириб шундай дейди:

“Никоҳ” луғатда “бирлаштириш, қўшиш” деган маънода келади. Сўнгра мазкур маъно борлиги учун ундан ватий иши тушиниладиган, никоҳ эса ватийга сабаб бўлгани учун ундан никоҳ ақди тушиниладиган бўлиб кетган. Никоҳ битими содир бўлиши учун унинг рукнлари, никоҳланувчиларнинг никоҳга лаёқатли бўлиши, никоҳланаётган аёлнинг никоҳга маҳал бўлиши лозим бўлади. Никоҳнинг рукни – ийжоб ва қабул, никоҳга лаёқатлилик –

[35] Жалолиддин Хоразмий // Муҳаммад Аҳмад Ҳаққоний таҳқиқи. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2019. – Ж. II. – Б. 177.

бошқа битимларда талаб этиладиган лаётқатлилик, никоҳга маҳал бўлиш – унинг ҳукмини қабул қила оладиган шахс бўлиши. Никоҳнинг ҳукми – мулкият ва ҳалолликдир.

Инсон никоҳланиш орқали ўзидан насл қолдириши ундан кўзланган мақсад ҳисобланади ва шу маънода никоҳланиш нафл ибодатлар учун ўзини бағишлашдан кўра афзал амалдир. Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ: “Никоҳланмасдан юришга сабр қила оладиган инсон нафл ибодатлар учун ўзини бағишлаши никоҳланишидан яхшироқдир. Чунки никоҳланиш муомалат тасарруфларидан бири бўлиб, кофирнинг ҳам никоҳланиши саҳиҳ бўлаверади. Ибодат эса муамалотдан кучли туради. Зеро, ибодатлар Аллоҳ таъоло учун машруъ қилинган бўлса, муомалатлар биз бандалар учун жорий этилган”, деган.

Бизнинг гапимизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Ким мен ва Довуднинг динида бўлса, бас оила қурсин. Агар бунга йўл топа олмаса, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилсин”, деган сўзлари далил бўлади. Ҳадиси шарифдан маълум бўлганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам никоҳни диндан деб қарор бердилар ва бу никоҳни жиҳоддан муқаддам қўйдилар.

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам неча адад аёлларга уйланишга рухсат берилган бўлсалар барчасини бажарганлар ва нафл ибодатга машғул бўлишдан кўра никоҳланишни устун қўйганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ишларидан никоҳланиш ибодат учун ажралиб чиқишдан афзал эканлигини кўрсатади. Зеро, У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дин ишларидан афзалини қилар эдилар. Ўша вақтда айрим инсонлар аёлларини талоқ қилиб ибодат учун узлатни ихтиёр этмоқчи бўлганларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Никоҳланинглар ва кўпайинглар, қиёмат кунида сизларнинг кўплигингиз билан бошқа умматларга фахрланаман”, дея уларни қасдларидан қайтарганлар.

Мазкур ҳадиси шарифдаги “Никоҳланинглар” деган буйруқ вожибликни ифода қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Агар вожибликни билдиради десак, никоҳ бошқа нафл ибодатлардан устунлиги келиб чиқади. Чунки вожиб амал нафл амалдан устун эканлигига барча уммат ижмоъ қилган. Агар ҳадисдаги буйруқни вожиб демайдиган бўлсак, унда никоҳланиш суннатлиги келиб чиқади. Чунки никоҳ мустаҳаб ёки мубоҳ иш эмаслиги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Албатта, никоҳ суннатимдир. Ким менинг суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмас” деган сўзлари орқали маълум бўлган. Маълумки, суннат ҳам нафлдан устун туради.

Агар бирор шахс тарафидан: “Аллоҳ таъоло Яҳё алайҳиссаломни **“...**(ўз қавмига) **пешво бўлиб,** (шаҳватлардан) **ўзини тиядиган...”,** дея мақтаган.

Ваҳолбуки Яҳё алайҳиссалом қодир бўла туриб никоҳланмаганлар. Агар никоҳланиш афзал бўлганида, Яҳё алайҳиссаломнинг тутган йўли мадҳ этилмаган бўлар эди”, деган савол тушадиган бўлса, унга жавоб тарзида шундай деймиз: “Тўғри, бу ерда аёлларга уйланмасдан сабр қилиб ўзини тоатга бағишлаш мақталмоқда. Биз бундай ҳолатни қоралаётганимиз йўқ. Лекин барча шартларни бажарган ҳолда никоҳланиш ундан афзал ҳисобланади. Балки Яҳё алайҳиссалом шариатида узлат афзал бўлиб, кейин бизнинг шариатда насх қилинган ва оила қуриб яшаш узлатдан афзал қилинган бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари никоҳланишда инсон ўзини зинодан сақлаши, аёл кишини таъминотини қилиши, уни турли хил нохушликлардан сақлаши, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматини кўпайтириши каби дину дунё манфатлари мужассам”[36].

Жалолидидин Хоразмий “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асарини ёзишда тафсирга алоҳида эътибор қаратганини гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, асарнинг бир неча ўринларида Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” ва Самарқандийнинг “Баҳрул улум” тафсирларидан фойдаланган. Бунга бир мисол “Ҳужурот” сурасининг و جعلناكم شعوبا وقبائل لتعارفوا **“Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак** (Одам) **ва бир аёл** (Ҳавво)**дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни** (турли-туман) **халқлар ва қабила** (элат)**лар қилиб қўйдик”** ояти борасида Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” асарида шундай дейилган: شعب [шуъабун] арабларда мавжуд бўлган олти қабиланинг аввалгиси ҳисобланади. Улар: шаъб, қабила, имора, батн, фахз ва фасилалардир.

Шаъб – бир неча қабилалар жамланмаси. Қабила – бир неча имора (уруғ) жамланмаси. Имора – бир неча батн (кичик уруғ)лар жамланмаси. Батн – бир неча фахзлар (уруғ аймоғнинг сўнги бўғини) жамланмаси. Фахз – бир неча фасила (бўлинма)лар жамланмасидир.

[36] Жалолиддин Хоразмий // Муҳаммад Аҳмад Ҳаққоний таҳқиқи. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2019. – Ж. II. – Б. 393,394.